

# Инсон ва ҚОНУН

www.hudud24.uz

2022 йил 12 июль  
сешанба  
№ 26 (1334)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

## “МАҲАЛЛАДА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТ” МОДУЛИ



2022 йил 29 июнда “Маҳалларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди.

7-бетда ўқинг ↘

Ҳам ишсиз, ҳам нафақасиз  
қолган ходимлар

## “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” га муурожаат қилди

ФУҚАРО М.Ё. ва бошқаларнинг 23-сонли “Меҳрибонлик уйи” томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлса-да, ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га қилган муурожаати Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан кўриб чиқилди.

Давоми 3-бетда ↘

## ЎРИНДОШ ХОДИМГА МУКОФОТ ПУЛИ БЕРИЛМАЙДИМИ?

— Менга ўриндошлик ишимда Ҳайит байрамига мукофот пули тўланмади. Лекин ҳамма ходимларга тўланди. Иш берувчининг шу иши қонунийми? Ўриндош ходимнинг қандай ҳуқуқлари бор?

2-бетда ўқинг ↘



Ўзбекистон Республикаси  
**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

Қурбон  
ҳайити  
муборак бўлсин!

# ЯНА МУРОЖААТ ЁЗАЙЛИКМИ?



Саволларга  
“Мадад” ННТ бош мутахассиси  
**Маруф ЛУКЧАЕВ**  
жавоб берди.

— Лизингга машина олган эдим, лекин ҳозир ойлик тўловларини тўлашга қийналяпман. Шунинг учун укамга расмийлаштириб берсам бўладими ёки мумкин эмасми?



## МАШИНАНИ УКАМГА РАСМИЙЛАШТИРСАМ БЎЛАДИМИ?

— Сиз ҳозир қўшимча лизинг ҳақида айтаяпсиз. Умуман, лизинг масаласи асосан, Фуқаролик кодексидagi қоидалар билан тартибга солинади.

Мазкур Кодекснинг 596-моддасида “лизинг олувчи лизинг берувчи олдида шартнома юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган мол-мулкни лизинг берувчининг розилиги билан қўшимча лизингга топширишга ҳақли” дейилган.

Мана шу қоидага асосан лизинг сифатида фойдаланиб келаётган автомобилнинг лизингга берган корхона (ёки лизингга берган банк)нинг расмий розилиги билан бошқа шахсга, мисол учун укамизга лизингга беришингиз мумкин.

## ЎРИНДОШ ХОДИМГА МУКОФОТ ПУЛИ БЕРИЛМАЙДИМИ?

— Менга ўриндошлик ишимда Ҳайит байрамига мукофот пули тўланмади. Лекин ҳамма ходимларга тўланди. Иш берувчининг шу иши қонунийми? Ўриндош ходимнинг қандай ҳуқуқлари бор?

— Бу муаммони ечиш учун корхонадаги жамоа шартномасини ёки меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича бошқа ички ҳужжатларни яхшилаб кўриб чиқинг.

Сабаби, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”-

## ҚАЙСИ ҲОЛАТЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИЛМАЙДИ?

— Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 29-моддасига кўра, қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

- аноним мурожаатлар;
  - жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;
  - мазкур қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.
- Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у давлат органининг,

— Бир муаммони масалада мурожаат ёзишимга тўғри келди. Айрим сабаблар билан мурожаатимда исм-шарифимни кўрсатмагандим. Шундай ҳолатда мурожаат кўриб чиқилмай қолдирилишига қонуний асос борми?

ташкilotнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади. Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

Ҳар қандай ҳолда ҳам мурожаатчи яшаш манзили, исм-шарифини, боғланиш телефони рақамини, ўзи зарур деб ўйлаган бошқа маълумотларни тўлиқ ёзиши керак. Шунда мурожаат тегишли тартибда кўриб чиқилади ва аноним мурожаат дейилмайди.

## ЖАВОБ БЎЛМАДИ, ЯНА ЁЗАЙЛИКМИ?

— Давлат ташкilotига маҳалламиздаги муаммо билан мурожаат қилдик. Лекин ўн беш кундирки, жавоб йўқ. Яна юқоридаги ташкilotга мурожаат ёзайликми, деб турибмиз.

— Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддасига кўра, ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкilotга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкilotнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига, ташкilotга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда эзма шаклда хабар қилинади.

ги Низомнинг 15-бандида ўриндош ходимларнинг ҳуқуқлари кўрсатилган. Жумладан, “Агар жамоавий шартномада ёхуд иш берувчи томонидан касба уюшма кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишган ҳолда қабул қилинган бошқа маҳаллий ҳужжатда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ўриндошлик асосида ишловчиларга меҳнат ҳақи, мукофот, қўшимча ҳақ, устама, рағбатлантириш тўловлари шакли ва тизими ташкilotнинг барча ходимлари учун белгиланган тартибда амалга оширилади” дейилган.

Демак, ана шу жамоа шартномаси ёки бошқа ички низом ва қоидаларда ўриндошларга мукофот тўловлари тўлаш борасида ҳеч қандай чеклов бўлмаса, иш берувчи Сиз каби ўриндош ходимларга ҳам бирдек байрам мукофотини тўлаши керак эди. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўриндош ходим сифатида иш жойингиз раҳбариятидан мукофот пули талаб қилишга ҳақлисиз.



## ВАҚТИНЧА ВАЗИФАДА ҚАЧОНГАЧА ИШЛАЙМАН?


— Вақтинча вазифа бажарувчи бўлиб қанча вақтгача ишлаш мумкин? Мени лавозимга ўтказишда шундай буйруқ чиқарилган. Шундан бери 2 йил ўтди, мени доимий лавозимга ўтказишмаяпти?

— Меҳнат кодексининг 93-моддаси тарафларнинг келишуви билан, 94-моддаси ходимнинг ташаббуси билан, 95-моддаси эса, иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказишга оид моддалардир.

Буларнинг барчасида вақтинча бошқа ишга ўтказиш муайян вақт билан чегараланиши, ушбу муддатлар тугаганидан сўнг, ходим ўз ишига қайтарилиши кўзда тутилган.

Шунинг учун биз вақтинча бошқа ишга ўтказиш тўғрисидаги буйруқларда бошқа ишга ўтказишнинг чегараси аниқ сана билан ёки муайян бир ҳодиса билан кўрсатилмаса, бундай буйруқларни тўлақонли қонуний дейилмайди.

Иш берувчи ходимни “вақтинча бошқа ишга ўтказилсин” деб буйруқ чиқариб қўйиб, амалда уни йиллаб бу лавозимда ишла-толмайди, бу қонуний амалиёт эмас.



## МЕҲНАТ ТАЪТИЛИГА ЧИҚМАСЛИККА ҲАҚҚИМ БОРМИ?

— Бу йил давомида меҳнат таътилига чиқмай ишламоқчиман. Меҳнат таътилига чиқмасликка ҳаққим борми?




— Меҳнат кодексининг 134-моддасига асосан, ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат билан йиллик асосий таътил берилади. Бу меҳнат қонунчилигидаги кафолат саналади. Яъни, бир йил ишлаган ходим камида ўн беш иш кун таътил олиши зарур. Белгиланган таътилни бермаганлик меҳнат

ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик, деб топилади ва иш берувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 143-моддаси бешинчи қисмига асосан, таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим. Бу иш берувчига мажбурият сифатида белгиланган. Меҳнат кодексининг 144-моддасига кўра, йиллик таътиллари бериш навбати календарь йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан касба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ белгиланади. Таътиллار жадвали локал ҳужжат саналиб, у ходимлар ва иш берувчилар томонидан бажарилиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сиз таътилга чиқмайман, дейишга ҳақли эмассиз. Иш йили тугагунга қадар таътиллار жадвалига кўра иш берувчи Сизни таътил бериш вақти ҳақида таътил бошланишидан камида 15 кун олдин хабардор қилиб, таътилга чиқариб юбориши мумкин. Бунинг учун ҳаттоки Сиздан розилик (Меҳнат кодексининг 144-моддасидаги ҳолатлар бундан мустасно) ёки ариза ҳам сўраш шарт эмас.



ТОШКЕНТ

ФУҚАРО НЕГА

БИР НЕЧА

ЙИЛДАН БУЁН

ПЕНСИЯГА ЧИҚА

ОЛМАГАН?




■ **ФУҚАРО Д.И. Шайхонтоҳур** туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, пенсия жамғармаси томонидан иш стажни тўлиқ инобатга олинмаганлиги сабабли бир неча йилдан буён пенсияга чиқа олмаётганлигини маълум қилган.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”-ги Қонуннинг 12-моддасида умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, бунда охириги иш жойидан қатъи назар болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари ушбу қонуннинг 7-моддасида белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ушбу модданинг “з” банди талаби бўйича “болаликдан ногирон фарзандларнинг оналари уларни сажиз ёшгача тарбиялаган бўлса — иш стажни камида 20 йил бўлган тақдирда” деб белгиланган.

Аниқланишича, фуқаро Д.И. мазкур қонун талабига асосан 2019 йилда пенсия тайинлаш бўйича мурожаат қилган. Ваҳоланки, фуқаро Д.И. 1992 йил 22 февралда туғилган ногирон фарзандига қараб турган даврлари стаж ҳисобланиши қонунда кўрсатилган. Пенсия жамғармаси Шайхонтоҳур туман бўлими томонидан фуқаро Д.И.га пенсия тайинлаш рад этилиб, бўлимининг 2021 йил 6 апрелдаги қарорига асосан 1989 йил 1 январдан — 1990 йил 21 январгача, 1996 йил 10 сентябрдан — 1998 йил 15 сентябргача, 2001 йил 19 августдан — 2004 йил 23 январгача 46-ўрта мактабда ишлаган даври учун

ойлик иш ҳақи ва сугурта бадаллари тўғрисидаги маълумотномалар тақдим этмаганлиги сабабли ушбу даврларни умумий стаж ҳисобига киритмаганлиги маълум бўлди. Юқоридагиларга қўра, туман адлия бўлими томонидан фуқаро Д.И.нинг меҳнат фаолиятини инобатга олишни ва пенсия ишини қайта кўриб чиқишни сўраб пенсия жамғармасига хат киритилди. Хатдаги талаблар бажарилиб, фуқаро Д.И.га жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб 25 йилу 1 ой иш стажини билан пенсия тайинланиши таъминланди. **Фарҳод АКБАРОВ,** Шайхонтоҳур туман адлия бўлими бошлиғи



СУРХОНДАРЁ

■ **ТЕРМИЗ** туман адлия бўлимига 2022 йилнинг 6 ойи давомида жисмоний шахслардан 227 та, юридик шахслардан эса 11 та мурожаат келиб тушган.



## МУРОЖААТЛАР АДЛИЯ ЭЪТИБОРИДА

Адлия бўлими томонидан фуқароларнинг мурожаатларини қаноатлантириш чоралари кўрилиб, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида судларга жами 2 миллиард 230 миллион 500 минг сўмлик 75 та даъво аризаси киритилган.

Жумладан, туман адлия бўлими томонидан Термиз туманида фаолият юритаётган “Бахтиёрбек Транс Сервис” МЧЖ манфаатида Шеробод туманлараро иқтисодий судига даъво аризалари киритилиб, Шеробод туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасидан 14-сонли шартномага биноан 24 миллион 959 минг 378 сўм, 49-шартномага асосан 60 миллион 191 минг 725 сўм, 62-сонли шартномага қўра эса 79 миллион 15 минг 829 сўм, жами 164 миллион 166 минг 932 сўм миқдоридagi қардорлик ва умумий сумманинг 10 фоизи миқдорида пеня ундирилиши юзасидан суд қарори қабул қилинди.

**Баҳодир АШУРОВ,**  
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи



СИРДАРЁ

■ **СИРДАРЁ** туман халқ таълими бўлимига қарашли 37-умумтаълим мактаби ўқитувчиси **Н.Бўронова** иш ҳақини ундиришда туман адлия бўлиmidан амалий ёрдам сўраган.

## ЎҚИТУВЧИНИНГ ҲАҚКИ УНДИРИЛДИ



Ўрганиш жараёнида аниқланишича, туман халқ таълими бўлимига қарашли 37-мактаб директорининг 2021 йил 15 мартдаги оғохлантириш хати билан фуқаро **Н.Бўронова**га Меҳнат кодексининг 106-моддаси биринчи қисми 6-бандига асосан

меҳнат шартномаси бекор қилинишини маълум қилган.

Мактаб директорининг 2021 йил 7 майдаги яна бир оғохлантириш хатида эса **Н.Бўронова**га Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 7-бандига асосан меҳнат шартномаси 2021 йил 1 августдан бекор қилиниши баён қилинган. Бироқ оғохлантириш хати мuddати туганлигига қарамай, у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинмаган, буйруқ расмийлаштирилмаган ва 2021/2022 ўқув йиллари учун дарс соатлари ажратилмаган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 107-моддасига мувофиқ, меҳнат шартномасини бекор қилиш ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан амалга оширилиши ва буйруқ билан расмийлаштирилиши керак.

Юқоридагиларга асосан туман адлия бўлими томонидан **Н.Бўронова** манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан мактаб ҳисобидан **Н.Бўронова** фойдасига 8 миллион 912 минг 237 сўм иш ҳақини ундирилиши белгиланди.

**Камолитдин ЭРНАЗАРОВ,**  
Сирдарё туман адлия бўлими бошлиғи



ТОШКЕНТ

■ **ТОШКЕНТ** вилоят адлия бошқармаси томонидан ваколатли ташкилот ва корхоналарнинг давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги фаолияти ўрганилди. **Жорий йилнинг ўтган олти ойида** хизмат кўрсатувчи ташкилотларда 42 мартаба ўрганиш, жумладан, 14 таси мурожаатлар асосида ва 33 мартаба мониторинг тадбирлари ўтказилди.

## ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДАГИ КОНУНБУЗИЛИШЛАР




Унда ваколатли органлар томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида 8 мингдан ортиқ қонунбузилиши ҳолатлари аниқланди. Буларнинг 5 минг 137 тасида мuddат бузилган бўлса, 52 та ҳолатда мурожаатлар асосиз рад этилган. Шунингдек, 2 та ҳолатда ортиқча ҳужжат талаб этилиб, 6 та ҳолатда эса тўғридан-тўғри хизмат кўрсатилган. 3 минг 293 та давлат хизматлари кўрсатилишига оид бошқа қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, масъул шахсларга нисбатан таъсир чоралари қўланилган.

Қонунбузилиши ҳолатлари идоралар кесимида тахлил қилинганда ҳокимликлар томонидан 3 минг 153 та, газ таъминоти ҳудудий филиали томонидан 1 минг 299 та, ер ресурслари ва кадастр хизмати томонидан 760 талиги аниқланган.

Шунингдек, 373 та ҳолатда қурилиш бўлими, 101 та соғлиқни сақлаш соҳасида, 84 тасида солиқ органлари тизимида, 69 та ҳолатда электр таъминоти корхонасида, 2 минг 83 тасида эса бошқа хизмат кўрсатувчи идоралар томонидан қонунбузилиши ҳолатлари қайд этилди.

Адлия бошқармаси томонидан ваколатли идораларга 436 та оғохнома, 46 та тақдимнома киритилди. 71 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 1 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. 94 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўланилди.

**Аббос АҲМЕДОВ,**  
Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



ТОШКЕНТ



## ҲАМ ИШСИЗ, ҲАМ НАФАҚАСИЗ ҚОЛГАН ХОДИМЛАР “ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” ГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

■ **ФУҚАРО М.Ё.** ва бошқаларнинг 23-сонли “Меҳрибонлик уйи” томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинган бўлса-да, ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилмаганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га қилган мурожаати Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан кўриб чиқилди.

Президентимизнинг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашни тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги қўрсатмасига қўра, “Меҳрибонлик уй” ларига тарбияланувчиларни қабул қилиш тўхтатилган.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2022 йил 3 февралдаги қарори ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг 2022 йил 7 февралдаги буйруғига биноан 23-сонли “Меҳрибонлик уйи”нинг фаолияти тугатилган ва барча ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Иш берувчининг ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруғида фақат Меҳнат кодексининг 151-моддасига асосан фойда-

ланилмаган меҳнат таътили учун компенсация тўлаш белгиланган, холос. Меҳнат кодексининг 109-моддасига асосан ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш эса кўрсатилмаган. Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори ўртча ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

Шунга қўра, ишдан бўшатиш нафақаси тўлаб берилмаган ходимларнинг манфаатида жавобгар — 23-сонли “Меҳрибонлик уйи” ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро судига жами 70 та даъво аризаси киритилди. Суднинг қарорига асосан 70 нафар фуқарога 161 миллион 821 минг сўм миқдоридagi ишдан бўшатиш нафақаси ундирилиши белгиланди.

**Мавлуда БОБОРАИМОВА,**  
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

“Агар мусулмонлар орасида битта фақир кишини кўрсанг, билгинки, ўша ерда унинг ҳаққини ўғирлаган битта бой кимса бор”.

# ИЖАРА

## Ватан бўлолмайди...

**МУҲАММАД** Мутавалли Шаъровийнинг бу ҳақиқатини биздаги айрим ҳолатлар билан солиштирадиган бўлсак, бу мувозанатни ўлчайдиган на тарозу ва на бирор мезон йўқ. Бадавлат ёнверида зўрга рўзгор тебратаётган фақирлар сонини биламизми? Муҳтож ҳаққи эвазига бойиб кетган кимсалар қачон нафс қурбонига айланди? Чикиндихона биқинида яшаётган аёлнинг ҳаққини қайси бой ўғирлади?

Чамалабда айтсак, аҳолимизнинг неча фоизи ижарада яшайди? Қачонгача бировнинг ҳаққидан қўрқмай яшаш мумкин? Бу янглиғ таассуфлар ҳозирги замонда аксариятга эриш туюладиган ғалати саволларга ўхшаб кўриниши-да бор гап! Ҳамма гап ва барча иллат ана шу саволларни ўз-ўзимизга бермай кўйганимизда эмасмикан?..

### Чикиндихона ёнида...

“Хусусий мулки бўлмаган одам — беватандир” — Инсон ўз уйида бахтли... “Ўз уйинг, ўлан тўшагинг...” каби ҳикматлар бежиз эмас. Гарчи вайронда яшаса-да, ўзини бахтиёр ҳис қиладиганлар борлигини ҳам яхши биламиз. Ҳатто чикинди тўлланадиган махсус жой ёнидаги мўъжиз уйчада яшайдиган одамлар ҳам ўша каталакдек кўримсиз хужрага меҳр қўяди, чикиндининг бадбўй хидларига касдма-касд гул ўстиради, теграсини ораста қилиб, тонг-у шом сув сепади, супуриб-сидириб, шукр қилиб, мунаввар қунларга умид қилиб ашайди. Ўз Ватанида чикиндихона ёнида яшаётганини унутганис келади.

Сўзимиз ўзанига тушган ушбу аёл ҳам ана шундай чикинди кутилари қўйиладиган жойда боласи билан “умргузaron”. (Аслида бундай шароитда яшаётганлар анчагина). Бешафқат тақдир турта-туртлари 6 ёшли ўғлига қўшиб шундай шароитда яшага кўниктирган. Аёл кизларини турмушга узатгач, кичик фарзанди билан азин пойтахтга иш излаб келган. Ота-ониси оламдан ўтгач, ака-укаларимга оғирлигим тушмасин, малол келмасин, дея ўз кунини ўзи кўришга қарор берган. Танлови — ўзиники. Муҳокама қилгимиз йўқ.

Турмуш ўртоғи билан қонуний никоҳи йўқлиги боис хорিজга меҳнат муҳожирлигига кетган эркекдан боласига алимент еки бирор ёрдам талаб ҳам қилолмапти. Касалманд боласига нафақа расмийлаштирилмаган. Қоғоз-қаламга уқуви йўқлиги эса ҳақ-ҳуқуқини эплаб танимаслигига сабаб. Тошкент шаҳар “Махсустранс” МЧЖдаги қарамоқдаги фарзанд билан яшашга рухсат бермагани учун баъзан боласини қариндошлари уйига жўнатилганга мажбур ҳам бўларди. Хайрият, яхшилар кўмаги ила ўглини мактабгача таълим ташкилотига жойлаштириди. Энди қорақўзи ёнида, кўнгли хотиржам, Аммо орзулари оппоқ болакай онаси билан шу хужрада яшашга мажбур. Ижарада турар дейишса, молиявий имконият ҳаминкадар. Биламизку, азин кенда хатто яшашига маош олиб ишлайдиганлар ҳам ижара тўловини учма-уч тўлайди. Ижаранинг бадали осмон...

### “Ижарачи чет элликми?”

Яқинда журналист Хонбиби Химмат қизининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида эълон қилинган “Ижарачи чет элликми?” сарлавҳали ёзишини ўқирканман, ижарада турган ўнлаб танишларимнинг ойлик маошини олиб, ижара тўловини тўлаш мақсадида дарҳол миллий валютамизни АҚШ долларига айлантириш учун банкларга югургани кўз ўнгимдан ўтди.

“Чилонзор туманидаги “Чилонзор дехқон бозори” МЧЖ ичида “Уй бозори” ҳам мавжуд. У ердан ҳар ким ўзига ижарага еки сотиб олишга уй топса бўлади. Мени ижара нархлари қизиқтирди. Аммо ижара нархларини кўриб тилим лол қолди. Энг ками 200 доллардан тортиб, минг долларгача ижарага уй бор. Сўмга умуман йўқ. Ижара берувчилар чет элликларми десам, деярли ҳаммаси ўзбеклар. Бугунги кунда хаттоки 200 доллар маош олмайдиган инсон қандай қилиб ижарага уй олиши мумкин?”

Ижара ҳамма давлатда бор. Аммо ҳаммада ҳам ИНСОФ бор деб айта олаемиз! Умрининг ўзи бир омонат. Уй-жойнинг омонатлигини ҳис этиш эса дунёнинг омонатлигини чуқурроқ ҳис этишга мажбур қилади. Бу оғриқни ижарада яшаб туриб, ўғил уйлантирган, киз чикарган, ижарада яшаб ота-онасини сўнгги манзилга кузатган одамлар билди. Тўғри, ижарада ҳам хотиржам яшаётганлар борди. Фақат бизда эканига шубҳам бор... Бошқа давлатларда ҳам арзон, ҳам шинам, қулай шароитда уй-жойлар ижарага берилишини кўпчилик билади. Бизда эса ижара нархлари баянду шароитларнинг шўри қуриган. Бизда...

### “Давру даврон сурдим ҳар ҳафта кўчиб”

Айниқса, бошқа худудлардан келган талабалар, ёш оилалар, кексаларга айин нархлар жула оғирлик қилади. Бунинг устига ўртадаги ижара жаллоблари — маклерлар ҳам пулингизини шилишга шай туради. Ижаранинг ҳам қонун-қондалари кўп. Ҳам АҚШ доллариди ижара ҳақини тўлайсиз, ҳам ўзимизнинг сўмда коммунал тўловлар, сув, газ, электр энергия-

си, иситиш тизими, чикинди учун тўловлар ҳам сизнинг гардинингизда. Ижара шартномаси гарчи алакачон қонуларимизда ақс тошган бўлса-да, амалда “яширин иктисод” касалидан қечолмаётган ҳамюртларимиз талайгина. Ижарама-ижара кўчиб юрганларнинг ахволини эса ўзининг тушунаверинг. Ўз юртида ватан (уй) қураман деб ўзга юртларда юрганлар, оила, бола-чақасидан узокда ашаётганлар, соғлигини йўқотиб, тоҳида алданиб бор-будини йўқотиб юрган ҳамюртларимиз ҳақида эса бошқа сафар гаплашамиз. Уларга Яратганининг ўзи тўзим берсин.

### “Кам таъминланган” — “ночор” бойлар кўп...

Ҳар йили минг-минглаб кўп квартиралар уй-жойлар қуриляпти, сўлим боғлар, кўп йиллик дарахтлар кесилиб, ўрнига ҳам кўп қаватли уйлар қад ростлаётганлигини кўриб юрибмиз. Албатта, вақтида уйлар қурилиши хозиргидек бўлмагани учун бошпанга муҳтожлар сонини бир неча баробар ошиб кетгани — ҳақиқат. Боз устига талаб йил сайин қамайиб ўрнига ошиб бормоқдаки, буниси-да тушунарли. Шу ўринда шавқ туғилади: бизда турғилиш шувчаллик кўпми ёки бошпананинг қимматлигидан уни олиш имконияти йўқлар кўпми? Ёки кам таъминланган фуқароларга ажратиладиган уй-жойлар “ночор” бойлардан — махсус комиссия аъзоларининг хешу ақраболаридан ортамақтими? Кам таъминланган фуқаролар учун қурилаётган уй-жойларнинг ошгани оддида автомашиналар қантарилганига не дейсиз? Ҳўш...

Яна бир муаммо — нега уй-жойнинг нархи бу қадар ўрлаб кетган? Уй-жойлар ўз таннарихидан бир неча баробар қимматга пуланаётганлиги юзасидан мутасаддиларимиз ўрганувларни мунтазам олиб бормоқдамиз? Тўғри, хозир бозор иктисодиёти... аммо бозор иктисодиёти экан, деб виджодимизни ҳам сотиб юборадиган даражага етдикми? Бу кетишда халқимиз, қўли юпқарок одамлар бутун умр уйсиз-жойсиз, яъни Ватансиз ўтиб кетмайдими?

Кейин, кейин... Қиммат нархга яраша аъло сифат донм ҳам бўла-

вермаслиги дилни баттар хижил қилади. Катта-катта қурилиш компаниялари ишчиларни арзонга ишлаштириб, хатто ўша арзиманган иш ҳақини ҳам қурувчиларга тўла-масдан келаётгани эса бировнинг ҳаққи бировга буюрмаслиги ҳақидаги оддий ҳақиқат унутулиб бораётганига ишора эмасмикан?..

### Янгисини қурмасдан эскисини бузманг...

Снослар, давлат ва жамяят эҳтиёжи учун фуқароларнинг уй-жойлари бузилаётган, ўрнига тоvon пуллари тўланмасдан одамлар сарсон қилинаётган ҳолатларни кўз олдимизга келтирайлик. Кейинги йилларда қанчадан-қанча одамлар уйсиз, жойсиз қолди. Бузилган уй-жойи учун тегишли идоралардан тоvon пули сўрайвериб, токати тоқ бўлгач, жойлардаги адлия идораларига нажот сўраб бораётган фуқароларнинг арзу доди ҳақли эди, ўринли эди...

### “Энди ҳеч ким осонликча бировнинг уйини “снос” қила олмайди!”

Давлатимиз раҳбари “снос” муаммосига эътибор қаратар экан, бундай ҳолатга бутунлай барҳам бериш учун яқинда уй-жой бўйича конституциявий қафолатнинг ҳақиқий ҳуқуқий асосини белгилаб берадиган қонуни имзолади. Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини компенсация эвазига жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни халқимизни бир неча йилдан буён қийнаб келган муаммоларга барҳам беришига умид қиламиз.

Ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишга асос бўладиган мақсадларнинг тугал рўйхати тасдиқланмоқда. Энди қонунда белгиланган ҳақиқатан ҳам жамоат эҳтиёжи бўлган 6 та мақсаддан бошқа ҳар қандай ҳолатларда ер участкаларини олиб қўйишни жамоат эҳтиёжлари учун деб баҳолаш тақиқланди.

Энди қуйидаги ҳуқуқлар компенсация қилиб берилиши аниқ қилиб белгилаб қўйилди: кўчмас мулк объектларининг бозор қиймати; олиб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бозор қиймати

(кишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари); кўп йиллик дов-дарахтларнинг бозор қиймати; кўчиш ва бошқа уйни вақтинчалик ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар; ер участкасидан ва унда жойлашган кўчмас мулк объектларининг фойдаланишдан олиниши мумкин бўлган бой берилган фойда; ҳуқуқ эгасининг бошқа харажатлари ва зарарлари.

Ҳатто кўпчилик давлатларда мавжуд бўлмаган янги турдаги тўлов компенсация киритилмоқда, ҳуқуқ эгасига келтирилган ноқулайликлар учун кўчмас мулк бозор қийматининг 5 фоизи микдориди бир марталик тўлов амалга оширилади.

Яна бир муҳим қафолат шундан иборатки, ҳуқуқ эгасига қонуний тегишли бўлган ерда ўзбошимчилик билан қурилган турар ва нотурар жойлар учун ҳам компенсация тўлик берилди.

Бундан ташқари бузишга тушганда компенсация берилмайдиган уй-жойлар қўлами кенгайтирилди — энди агар аҳоли пункти ичида жойлашган, лекин “кадастри бўлмаган” уйлар бузилса ҳам, агар ушбу ер бўйича 15 йилдан ортиқ солиқлар тўлаб келинган бўлса, компенсация тўланади. Таъбир жоиз бўлса, ушбу қонун 3 миллионга яқин ҳужжатсиз уйлари бузилишдан “сугурталайди”.

Демак, бу борада вазият яхши томонга ўзгаришига умид бор. Агар катта эҳтимоил билан мазкур қонун амалдаги барча тўсиқларни, бюрократия ва коррупция исхотқомларини бошга олса, албатта...

### Бегона соҳиллар Ватан бўлолмайди!


Яқинда ижтимоий тармоқларда Туркия ишбилармонлари рекламасига кўзим тушди. “Денгиз бўйидаги сўлим соҳиллардан бемалол арзон нарҳда уй-жой сотиб олишининг мумкин”. Демак, нафақат турклар, балки бошқа давлатлар ҳам биздан кўра арзонроқ нарҳларни тақлиф қилишса, ҳамюртларимиз қийналиб уйсиз юрганлардан кўра, ўзга юртлардан “ватан” излаб кетиши аниқ. Ўзбекистонда қимматга сифатсиз уй олгандан кўра, бошқа давлатда арзонроқ ва сифати уй-жой олишни маъқул кўраётган замондошларимиз ҳақинини тан олмай илоҳимиз йўқ.

“Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл” деган мақол эса шундай вақтда ўз қадрини йўқотаётганини ҳис этиш қоракка оғриқ беради. Бегона соҳиллар эса қанча сўлим бўлмасин, бизга Ватан бўлолмайди... деган сўзлар ҳавода муаллақ қолгандек бўлади.

### Бошпана билан таъминлашга давлат масъулими?

Ҳок республика, ҳок вилоят, ҳок туман-шаҳар раҳбарлари томонидан ўтказиладиган сайёр қабул бўлисин, барчасида тилга олинмайдиган энг катта талаб ва асосий муаммолардан бири — одамларга бошпана керак! Ҳар қанча илтифозли уйлар қурилаётган бўлишига қарамастан, бу муаммонинг ечимидан дарак йўқ. Қурилиш бизнеси эса соат сайин пойгага айланмоқда, ҳар квадрат метрининг баҳоиси осмонга кўтарилмақда. Яъни, оладиган ойлик маошининг хатто бир квадрат метр жойини сотиб олишга ҳам етмайдиган даражага етмоқда. Бу ўринда тегишли давлат ташкилотлари қуришлар сифати ва уй-жойлар нарҳини, шаҳарсозлик ва меъморчилик нормаларини назорат қилишга масъул эканини бот эслатиб ўтаемиз.

Маруся ҲОСИЛОВА, “Инсон ва қону” муҳбири



ТИББИЙ марказ эшикбони қўлимга бир парча қоғозча тутқазди.

**115 рақами билан!**

— Қани, 30 дан 35 гача киришлар! Тез-тез, ўттиздан ўттиз бешгача-а-а!!!

Хамроҳим билан тиббий марказ ҳовлисидаги ўриндиклардан аранг жой топдик. Ҳаммаёқ одам, ҳаммаёқ беморга тўла. Ҳамма касалми дейман, тавба.

## ЭНГ ЯХШИ “ДЎХТИРЛАР” ТОШКЕНТДА ЯШАШАДИМИ?

# 115-НАВБАТ

Қуёш тиккага келганда навбатимиз келди. Унча пашша қўриб ўтирдик. Ўз дардимиз билан ўзимиз овора. Биров бировни танимайди, лекин навбат кутиш баҳонасида танимаганимиз таниб оларкан киши.

Бири қашқадарёлик, бири сурхондарёлик яна бири водийдан...

Ўзбекистоннинг тўрт бурчагидан Тошкентда яхши дўхтирлар бор!.. деган умидда келганлар бир ҳафталаб навбат кутиб, толиқиб, ҳатто ўн кунда якуний тиббий хулосани ололмагач, тарвузи қўлтигидан туши-и-и-иб ўтиришибди.

— Инсофинлар борми, яна қанақа анализ?! Яна қаерга борай, ахир, 100 долларга кватира пули тўладим. Келганимга бир ҳафта бўлди! Шу бугун ё жавобни берасизлар, ё пулимни қайтариб берасизлар!

Аёлнинг авзойи бузуқлигини қўриб ҳам навбат кутганлар қилт этмайди. Биров билан бировнинг нима иши бор! “Ахир, энг яхши дўхтирлар Тошкентда бўлса!”

### “Операциянинг пулиям тугади...”

— Бир ойдан бери дўхтирма-дўхтир юриб, операциянинг пулиям тугади. — дейди ёнгинамизда турган жувон хуноби ошиб.

— Қизалоғимни шу ерда топганман ўн беш йил деганда, — яна бир кўрингани келдим. Бу ернинг дўхтирлари зўр! — дейди Қашқадарёдан пойтахтга қатнаб чарчамаган аёл бамайлихотир.

— Дори ичиб, ўз билганича даволангандан диагнозини тўғри қўйдиришнинг даволанган яхши, — гап суқади ҳомиладор келинчак. — Яхши жой бўлгани учун Самарқанддан келаяпмиз. Уч йил қатнадим шу ерга.

### “Бизда МРТ йўқ...”

13 та тиббий текширув рўйхатининг бошида турган ультратовуш текширувидан ўтган Ноиллага МРТ аппаратини излаб юрмаслиги учун консултация берган шифокор шаҳарнинг у чеккасидаги хусусий клиника манзиллини ёзиб берганини

келинчак кейинроқ билди. Бир ярим ёшли қизалоғи хархаша қилавериб, қўймади. Ўша хусусий тиббий клиникага кўнғироқ қилгач эса, жума кунни дам олиш кунни экани, шанба кунни кеч соат 6 яримларда навбати келишини билди. Ҳайрон бўлди. Қишлоққа қачон қайтади унда, тавба?! Эрига, қайнона-сига нима дейди? Яна неча кун қайнопасининг уйда меҳмон бўлишади?.. Ноила қатор-қатор саволлар билан ич-эттини еб, рўйхатнинг давомига қаради. Шу кун кечгача яна навбатда туриб, учта хонага тиббий текширув учун киришга улгурди, холос.

Эртаси куниям шундай ўтди. Тонг саҳарлаб соат еттида келса, тиббий марказ ҳовлиси тўла одам. Қабул вақтига эса, ҳали роппа-роса бир ярим соат вақт бор!

Навбат олди,

112-рақами экан. Кеч келибди буғунам.

Биргина у эмас, бу ерга келганларнинг ҳаммаси ҳам шу қадар сабри одамларки... қўриб, ҳайрон қолсан киши.

Дард кўзгаб, жон оғриб турганида икки-уч соатлаб навбат кутиб бир докторнинг қабулига кирсанг-у ишинг дарров битмаса, текширув устига текширув бўлаверса, жонинг оғришини биров билмаса, ўйламанса, ёмон экан. Сен-ку, майли, ўтирибсан, тик оёқда турганлар қанча?! Ёш бор, қари бор, ҳомиладору ёш болали аёллар бор...

“Бизда МРТ йўқ, шу жойга борасиз!” деб шифокор қўлига қоғоз тутқазганида бу шўрликлар нега шу хайхотдай тиббиёт марказида МРТ йўқлигини сўрашга ҳам ботинишолмайди. Бирор-ярим жанжалкашу конунталаби чиқса, масъуллар озсига уришади гап билан.

Соғлик ўзинга кераклигини билиб, индамайгина ўша ёзилган манзилга борсан тинчгина.

Бўлмаса, ҳолинга маймунлар йиғлайди. Дўхтир биланам уришиб бўларканми ҳозирги замонда-я! Уришиб кўр-чи, нима бўлсан?! Ишинг қачон битади?!

Шу қадар омилиқка, шу қадар сабрга кўнган бу беморларни айни тиббий марказга боғлаб турган нарса нима, дерсиз?! Касаллик! Касал одам овғини узатиб, дори-дармон қилса бўлмайди, дерсиз?! Дори-дармон қилган, қишлоғидаги туманидаги, вилоятидаги дўхтирлардан шифо толмагач, ҳайё-хут деб пулни белга боғлаб, пойтахтга келаверган кўринишади.

### Тузалсанг, тузалдинг, тузалмасанг...

Операцияга киритишдан олдин оқ халатли тиббиёт жонқуярлари тилхат олишади. Бу нима дегани?! Тузалсанг, тузалдинг, тузалмасанг пешонангдан кўрдинг дегани!

Виждонли шифокорлар мени кечирсин, Гиппократ қасамини ичволиб, масъулятни бўйнига ололмаслик, нима деган гап, ахир?! Бу ҳақда уларга икки оғиз гапириб кўр, дунё тажрибасидан гапиришади сенга.

Талабаликда бир ҳамхона аёлни операцияга киритишда яқинлари ёнида йўқлиги учун тилхат тўлдиришимга тўғри келган. Ўшанда опамиз масъулятни ўз бўйнига олишини айтган, тилхатни ўзи ёзиб берганди. Сабаби, олис қишлоқдаги қари ота-онаси пенсионер, ука-синглиси эса, Россияга ишлагани кетганди.

Уч кун ўтар-ўтмай, опага жавоб беришди. Ҳайрон қолганман ўшанда. Опадан нега бунча тез жавоб беришганини сўрасам, тўлайдиган пули қолмаганини, ўзи шундоғам қарз-ҳавола қилиб, операция қилдирганини айтди.

Энг ёмони, операциядан

кейин пули йўқлиги учун тиббий текширувларга боролмай, уйи йўқлиги учун ҳамшира чақиролмай, ижара уйда ўзини ўзи даволаб, дори-дармон қилгандилар ўшанда.

Ўшанда мусофирликнинг нони шу қадар қаттиқ бўлишини илк бор ҳис қилганман. Кўз ўнгимда ҳали операциядан кейинги чоки битмаган бемор вужуд, ойликкача чўнтагимда ортиқча пулнинг ўзи йўқ, шундоғам биргалашиб қарз-ҳавола қилиб опани операция қилдириб олгандик. Опанинг жони темирдан экан, шу шароитда бир ой бўлмай, ишга чиқиб кетдилар.

### Пулнинг бўлмаса, касал бўлма!

Амалиётда “тиббий сугурта” деган тушунча бор. Халқимизнинг сугуртанинг бошқа бир қанча турларидан нисбатан кўнгли қолгани учунми, тиббий сугуртага қизиқмаётгани бор гап. Туппа-тузук ишлаб юрган одам ҳам бирданга бирор бахтсиз ҳодиса сабаб касалхонага тушиши, операция столига ётиши мумкин.

Иш бевуриларнинг ходимларни тиббий сугурталаш тор доирадагина бўлаяпти. Балки, самара бераётгандир. Бу ҳақда гоҳ-гоҳида яхши гапларни ҳам эшитиб турибмиз. Чиқмаган жондан умид, дейдиларми! Ишчи-ходимлар иш берувчи томонидан тиббий сугурталанса, беморлар учун ижтимоий ҳимоя кучаярмиди?

Яна бир гап. Ўзининг таниши очган тиббий марказга йўлланма ёзиб бераётган, таниши очган дорихонага касал юбораётган, ўзи қўшимча иш сифатида ишлайдиган дорифуруш компаниянинг дори-дармонию, аллақандай фиточойларини тап тортмай, виждони заррача қиналмай, беморларга пуллатганлар ўзлари ҳеч бемор бўлганмикан?! Ўзлари шундай даволанармикан?!

Тайинли тиббий хулосани ололмай, икки ҳафта доктор-ма-доктор юрган аёлнинг айтишича, уйдан олиб келган пули етмабди. Болаларига айтибди, почта қилиб жўнатишаркан.

Хуллас, ҳозирги кунда пулинг бўлмаса, касал бўлма, биродар!

### “Ташхисни ўзбек тилида олсам бўладими?”

Бирорта тиббий текширув бўйича ёзма ташхис ўзбек тилида берилса, бошингиз осмонга етиши аниқ! Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 30 йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам, ҳақиқатда тиббий атамаларни қўллагач, беморга ташхисни айтишда рус тилидан фойдаланилаётгани ғалати. Боз устига текширув натижаларини чоп этадиган махсус аппарат русча дастурланганини вақт қилиш осон. Тушунганимиз. Аммо бу дегани дастурни ўзбекчалаштиришнинг мутлақо иложи йўқ дегани эмас-ку?! Буни биров тушунча бор. Халқимизнинг сугуртанинг бошқа бир қанча турларидан нисбатан кўнгли қолгани учунми, тиббий сугуртага қизиқмаётгани бор гап. Туппа-тузук ишлаб юрган одам ҳам бирданга бирор бахтсиз ҳодиса сабаб касалхонага тушиши, операция столига ётиши мумкин.

Иш бевуриларнинг ходимларни тиббий сугурталаш тор доирадагина бўлаяпти. Балки, самара бераётгандир. Бу ҳақда гоҳ-гоҳида яхши гапларни ҳам эшитиб турибмиз. Чиқмаган жондан умид, дейдиларми! Ишчи-ходимлар иш берувчи томонидан тиббий сугурталанса, беморлар учун ижтимоий ҳимоя кучаярмиди?


Яна бир гап. Ўзининг таниши очган тиббий марказга йўлланма ёзиб бераётган, таниши очган дорихонага касал юбораётган, ўзи қўшимча иш сифатида ишлайдиган дорифуруш компаниянинг дори-дармонию, аллақандай фиточойларини тап тортмай, виждони заррача қиналмай, беморларга пуллатганлар ўзлари ҳеч бемор бўлганмикан?! Ўзлари шундай даволанармикан?!

Тайинли тиббий хулосани ололмай, икки ҳафта доктор-ма-доктор юрган аёлнинг айтишича, уйдан олиб келган пули етмабди. Болаларига айтибди, почта қилиб жўнатишаркан.

Гулбаҳор ОРТИҚҲҲАЕВА,  
“Инсон ва қону” мухбири

## БИЛАСИЗМИ?

Мажбурий меҳнат — иш берувчи ёки фуқаро томонидан бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали, шунингдек, меҳнат интизомини сақлаш мақсадида фуқаронинг ихтиёрига хилоф тарзда мажбурий равишда иш ёки хизмат бажартириш ҳисобланади.



## МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ НИМА?

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига биноан, мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади. Ҳеч ким шахсини ишдан бўшатиб юбораман, ойлигини камайтираман, лавозимини тушираман каби турли хил таҳдидлар билан мажбурий меҳнат қилишга ундашга ҳақли эмас.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосидаги, факулдада ҳолат юз берган шароитлардаги, суднинг қонуний қучга кирган ҳужмига биноан қўлланадиган ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди. Шунингдек, умумхалқ ҳашари ҳам фақат ихтиёрий тарзда, Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжати бўлганда, фуқаро ишлайдиган ташкилот ҳудудида, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига риоя қилган ҳолда ўтказилган тақдирда мажбурий меҳнат ҳисобланмайди.

Олий Мажлис Сенатининг 2017 йил 4 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни қучайтириш тўғрисида"ги қарори билан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан бирон-бир шаклда фойдаланишнинг олдини олиш ҳамда бунга йўл қўймаслик бўйича комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган парламент назорати институти жорий этилди. Ушбу саъй-ҳаракатлар жаҳон ҳамжамияти, хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди.

Албатта, иш берувчи ёки бирор мансабдор шахсининг фуқароларни мажбурий меҳнатга жалб қилиши маъмурий ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 51-моддасида, мажбурий меҳнатга жалб қилганлик учун энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, ушбу ҳаракат вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима жазоси қўлланилиши белгиланган. Ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, мансабдор шахсларнинг мажбурий меҳнатга жалб қилишга оид ҳаракатлари Жиноят кодексининг 205 ва 206-моддалари билан квалификация қилинади.

Шу ўринда ҳамюртларимизга эслатиб ўтиш ўринлики, мажбурий меҳнатга жалб қилинаётган шахслар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат ҳуқуқ меҳнат инспекторларига ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишлари мумкин. Зеро, мажбурий меҳнат инсон ҳуқуқ ва эркинлигини чеклашнинг ёрқин ифодасидир.

Фариджон МАТКАРИМОВ,  
Тошкент туман адлия бўлими Юридик  
хизмат кўрсатиш маркази бош  
юрисконсулти

Эътибор берсак, бугун ўрта ва кекса ёшли аҳолининг аксарияти у ёки бу дардга чалиниб, жабрини тортишга мажбур бўлмоқда. Худо асрасину, бу кетишда касалманд миллатга айланиб қолмасак эди деб хавотир олади одам. Гап ҳозир соғлиқни сақлаш тизимидаги боши-охири йўқ муаммолар эмас, аксинча, шифокорларнинг вазифасини янаям мураккаблаштираётган бошқа омиллар ҳақида.

Ҳар йили пишиқчилик мавсумида шифокорлар қовун-тарвуз, помидор-бодиринг, олма, ўрик, қўйинги ўзимизнинг деҳқон ва боғbonларимиз етиштирилган маҳсулотларни истеъмол қилиш натижасида захарланган беморлар кўпаяётганини айтиб, бонг уради. Уларнинг овозини биров эшитмайди. Чора кўрилмайди. Наридан, мева-сабзавотларни истеъмол қилишда хушёр бўлиш кераклиги, уларни юймай емаслик ҳақида бир-икки жойларда айтилади, ёзилди. Лекин бозор расталарини тўдириб турган мева-сабзавотларнинг йил сайин кимёвий дориларга тўлиб, миллат генофондида жиддий таҳдид солаётгани ҳақида жиддий бош қотирилмайди.

Эрта баҳорданок бозорларимизга кириб келадиган қовун-тарвуз, ўрик-шафтолиларни кўриб "ҳали вақтлимасми, қачон бошланди пишиқчилик?" дея беихтиёр календарь қидириб қоласиз.

"Ўзим эккан помидордан болаларимга бир донга ҳам едирмайман" дейди "парникчи деҳқон" танишимиз кулиб. Чунки кимёвий дорини керагидан неча баравар кўп едирганини ўзи яхши билади.

"Тарвуз олмай туринглар, ёзининг ўрталарига бориб оларсизлар. Ҳозиргилари дорининг зўрини еган, болаларга бериб бўлмайди. Ўзимиз тарвуз эканмиз-ку, биламиз-да" дейди бошқа бир деҳқон қариндошимиз меҳрибонлик билан. Кейин неча гектар тарвуз эккани-ю, кўнгилдагидай қаромад ололмаганидан нолиб ҳам кўяди. Нима даярингни билмайсан. "Деҳқоннинг нони ҳалол" деган гапларнинг вақти ўтгандай гўё.

Биология фанлари доктори Бахтиёр Расулов "Kun.uz"га берган интервьюсида шундай дейди: "Бугун бозорда бирор полиз маҳсулоти йўқки, у минерал ўғит ва препаратларга тўйинмаган бўлса. Соҳа жуда хавфли даражада назоратсиз ишлamoқда. Бу, биринчидан, биологик хавфсизлик масаласи. Бу миллатнинг генофонди масаласи.

Мен тарвуз олиб егим келади. Ҳа, фарзандларим сўрагани учун уларга олиб бераман. Лекин ҳар сафари кўлимга тарвузни ушларканман, бомбани тутгандек бўламан. Чунки тарвуз, қовун, пиёз, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қандай етиштирилишини яхши биламан. Олдики иссиқхоналардаги помидор, бодиринги қандай етиштирилганини биламан. Одамда саратон касаллигини ривожлантирадиган дориларни қўллаб маҳсулот етиштирилганини биламан.

Исталган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олинг, ҳаммасининг захари бор. Биз еяётган нарсаларнинг ҳаммаси секин таъсир этувчи бомба".

Ачинарлиси, ташқи бозорга, дейлик, Қозоғистон ё Россияга ўтказадиган мева-чева, полиз

КЎПЧИЛИГИМИЗНИ бир савол қийнайди: нега йил сайин касалликлар кўпайиб, аҳоли катта қисмининг саломатлиги ёмонлашиб бормoқда? Бунга жавобимиз ҳам тайёр: экология бузилиб кетган, шунинг учун...

## ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИГА ТЕГИШЛИ ЭМАСМИ?



"Ўзим эккан помидордан болаларимга бир донга ҳам едирмайман" дейди "парникчи деҳқон" танишимиз кулиб.

маҳсулотларига дорини стандартга мослаб, ички бозорга, яъни ўз халқимизга эса дорига бўктириб етиштириш кўпчилик учун оддий ҳолатга айланиб қолган.

Ундан ҳам ачинарлиси, истеъмол бозоридан экологик жиҳатдан тоза лиг кафолатланган маҳсулот топа олмайсиз! Эҳтимол бордир. Лекин, масалан, пойтахт бозорлари, нафақат деҳқон бозорлари, турли хил супер-гипермаркетлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда кимёвий дорилар мезёрида қўлланганига кафолат бера оладиган шахс ва мутасадди ташкилот борлигини ким билади?

"Шу дорини бермасангиз бўлмайди?" деган саволга кесиб жавоб беришди: бўлмайди. Ер ҳам, уруғлик ҳам дорига ўрганиб қолган. Демак, гиёҳванд маҳсулотлар ва миллат генофонди рўбарў келиб турган даврдимиз.

Бу фикрларнинг қанчалик асосли экани, албатта, соҳа вакилларига аён. Бундай эмаслигининг эҳтимоли катта. Чунки биз айтётган полиз ва бошқа экинларни биоғумусда етиштириш орқали ҳам мўл ҳосил олиш мумкинлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

Дунёнинг илғор мамлакатларида биологик тоза маҳсулотлар етиштиришга ўтилатган, озиқ-овқат дўконларида генетик модификацияланган организм (ГМО)лар сотишни тақиқлаш борасида ишлар олиб борилаётган бир пайтда ўзбек деҳқони ҳамон кимёвий ўғитларга суяниб келмоқда.

Қачон бизда ички бозор учун етиштирилётган маҳсулотлар учун ҳам унинг хавфсизлигини кафолатловчи Global G.A.P. халқаро сертификати жорий қилинади? Вақт ўтиб кетмайтими? Кейин кеч бўлмайdimми?

Мутахассислар бугунги кунда жаҳон миқёсида қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кимёвий ўғитлар, пестицидлар ва шунга ўхшаш турли-туман захарли моддалар билан Ер юзининг 15 миллион кв. км. қисмига ишлов берилётганини айтишади. Айнан шулар тўғрисида маҳсулотлар ҳосилдорлиги ошмоқда, етиштирилётган ҳосилнинг катта қисми сақлаб қолинаётди. Лекин бу билан ер юзиде камбағаллик ва очлик барҳам толиб қолмади, тўқин-сочинликка эришилмади. Аксинча, еримиз, ҳаво ва суви-

миз, истеъмол қиладиган мева-сабзавот, озиқ-овқатларимиз секин, баъзан тез таъсир қилувчи захарга айлана бошлади. Саломатликка, инсоният генофондида таҳдидлар сони янада кўпайди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг таъкидлашча, "озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш барча инсонларнинг хоҳлаган вақтда жисмоний, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан етарли миқдорда хавфсиз озиқ билан таъминланишини аниглайди. Ушбу маҳсулотлар шахсни физиологик мезёрилар бўйича қонқотириши, унинг хоҳиш-истагига мос келиши ва фаол соғлом турмуш тарзини шакллантириши шарт".

Етарли даражада маҳсулот ишлаб чиқариш бу ҳали озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди дегани эмас. Озиқ-овқат сифатли ва хавфсиз ҳам бўлиши керак.

Республикамизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатининг устувор йўналиши аҳолини барқарор нарҳдаги хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат билан таъминлашдир.

Жумладан, бундан 25 йил аввал қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунга кўра, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати — озиқ-овқат маҳсулотининг истеъмол хоссаларини белгилаб берадиган ва унинг одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини таъминлайдиган мезонлар мажмуидан иборат. Озиқ-овқатнинг хавфсизлиги деганда эса унинг санитария, ветеринария, санитария, фитосанитария қоидалари ва нормаларига мослиги тушуналади.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қишлоқ хўжалиги мўҳим ўрин тутди. Шу боис юртимизда қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини, корхоналарни, озиқ-овқат sanoати корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Ўз навбатида улар ҳам вазифасига масъулият билан ёндашишлари шарт.

Фазилат ЁДГОРОВА,  
журналист

**■ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2022 йил 29 июндаги “Озодликдан махрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан “Озодликдан махрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.**

## ЖАЗОНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТ

Мазкур Низом озодликдан махрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш тартибини белгилайди. Ёрдам пули ҳар бир кўмак олувчига унинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш учун тадбиркорлик, меъморчилик, ҳунармандчилик каби йўналишлардаги лойиҳаларини амалга ошириш учун бир марта берилди (меҳнатга ҳақ тўлашининг энг кам миқдорининг 10 баравари миқдоридан — 9 миллион 200 минг сўм).

Қарорга кўра, 2022 йил 1 июлдан маҳаллаларда комплекс ёндашув асосида ижтимоий хизматларни ташкил этиш тизими босқичма-босқич жорий қилинади.

Қарор билан маҳаллаларда комплекс ёндашув тизими асосида ижтимоий хизматларни жорий қилишни мувофиқлаштириш бўйича республика штаби ташкил қилинди.

### 2022 йил 1 ноябргача:

- маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари ҳар 2 ҳафтада Худудий штабларга қуйидаги маълумотларни киритади;
- хонадонлар аҳоли, оилаларнинг ижтимоий хизматларга эҳтиёжи;
- оилаларга аниқ ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича маълумотлар;
- мураккаб операцияларга, ногиронларнинг протез-ортопедия бўюмларига эҳтиёжи бўйича буюртмалар;
- Худудий штаблар ушбу маълумотларни ўз худуди кесимида умумлаштирган ҳолда 2 кунда Мувофиқлаштириш штабига юборади;
- Мувофиқлаштириш штаби келиб тушган маълумотлар асосида 3 кунда ҳақиқатда ижтимоий хизматга эҳтиёжманд бўлган оилаларга Худудий штаб аъзосининг маъсул ходими томонидан манзилли ижтимоий хизмат кўрсатилишини ташкиллаштиради.

**■ 2022 йил 29 июнда “Маҳаллаларда ижтимоий хизматларни кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоюга муҳтож оилаларга ёрдам бериш тизимини янги босқичга кўтариш ҳамда хотин-қизларни касбга ўргатиш ишларини янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинди.**

## “МАҲАЛЛАДА ИЖТимоий ХИЗМАТ” МОДУЛИ



Шунингдек, 2022-2023 йилларда республика бўйича жами 827 минг 780 нафар (шундан жорий йилда 383 минг 565 нафар) хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш назарда тутилган.

2022 йил 1 августдан дастлаб Сурхондарё вилоятидаги маҳаллаларда (2022 йил 1 ноябрдан республиканинг бошқа барча маҳаллаларида) “Маҳаллада ижтимоий хизмат” модули орқали ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилди.

Меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган хотин-қизларни касбга ўқитиш билан боғлиқ харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига БХМнинг 4 баробаридан ошмаган миқдори давлат томонидан қоплаб берилди.

**Мақсуд МУСТАФОВ,**  
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази маъсул ходими

Ёрдам пули ушбу масалани кўриб чиқувчи идоралараро доимий комиссияларнинг қарорлари асосида берилди.


Кўмак олувчилар жазони ўтаб бўлганидан кейин 3 ой муддатда ишчи органга ўз лойиҳасини илова қилган ҳолда ариза тақдим этади.

**Лойиҳани молиялаштириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулосани тайёрлаш қуйидаги мезонларга асосланади:**

- бошламоқчи бўлган тадбиркорлик, меъморчилик ёки ҳунармандчилик фаолиятининг натижадорлиги ва даромадли эканлиги;
- маҳалла фуқаролар йиғинининг ижобий тавсияси;
- кам таъминланган ёки ёлғизлиги;
- қарамоғида ногиронлиги бўлган ёки вояга етмаган фарзанди борлиги;
- кўп (4 ва ундан ортқ) фарзанди борлиги ва моддий кўмакка муҳтожлиги;
- нотурар жойларда истиқомат қилаётганлиги.

ИБРАТ

## АСЛ ҲИҚМАТ



**И**МОН Шофеъий шундай деганлар: “Мен кўп китоб ўқидим, кўп сўхбатларда қатнашдим, яна кўплаб ҳиқмат аҳлини тингладим ва охири шундай хулосага келдимки, асл ҳиқматнинг учта ҳақиқати бор экан:

**Биринчиси,** вақт қиличдир, сен уни кесмасанг, у сени кесади.

Мазкур қимматли тавсияни бундай изоҳласак тўғри бўлади: Аллоҳ таоло вақтни бандаларига неъмат қилиб берган, киши уни Аллоҳ йўлида, унга ибодат ва итоат қилишга сарфламаса, улуг кунда қилдан ингичка, қиличдан кескир бўлган сирот ундай кимсани кесади ва дўзах чўқурига отади. Чунки Аллоҳнинг шундай дўстлари борки, у Қуни сиротдан ўтганларидан кейин “Биз дунёда Расулulloҳнинг ҳадисларидан қилдан нозик, қиличдан ўткир бир кўприқдан ўтишимиз ҳақида ўқир эдик. Нега ундан ўтмадик?” деб сўраганларидан, уларга айтади: “Сизларга хушхабар! Ўша кўприқдан ўтдингиз. Амалларингиз билан қилдан нозик, қиличдан ўткир ўша кўприк сиз учун мағриб билан машриқчилик кенгайди”. Шундай экан, биз бу дунёда улуг неъмат бўлмиш вақтдан Аллоҳнинг йўлида фойдалана олмасак, у қилдан ингичка қилич бўлиб бизни кесиб юборади.

**Иккинчиси,** сен ҳақ билан машғул бўлмасанг, ботил сени машғул қилади.

Илм мажлисларида, уламолар сўхбатидан ёки бошқа савобли ишлар билан шуғулланмасанг, илму ирфон, ҳиқмат, зикр ва Қуръон билан машғул бўлмасанг, ботил сени банд қилади, ҳақ йўлдан тўсади.

**Учинчиси,** асло ичингда манманлик ҳисси уйғонишига йўл қўйма.

Улуғ мақомда бўлсанг, билгинки, у мақомни сенга берган Аллоҳдир. Чўқур билимдон бўлсанг, илми берган Аллоҳдир. Бой бўлсанг давлатингга қувонма, уни ҳам берган Аллоҳдир. Ҳар ким нимага эришган бўлса, барчаси Аллоҳнинг лутф — эҳсони”.

Вақт ҳаёт, умрдир. Шунинг учун ҳам тасаввуф аҳли “ибнул вақт” (вақтнинг боласи) деб ҳам юртилади.

“Эй Одам боласи, мен янги қунман ва сенинг барча хатти-харакатингга гувоҳман. Чунки, уларни менда қилаясан. Шундай экан, мендан яхши фойдаланиб қол, қадримга ет, зеро, мен Қиёматгача қайтиб келмайман”, дейдиган ҳар бир янги кунга қайси биримиз қулоқ тутдиқ? Йўқса, барча томонимиздан қоплаб олган ғафлат тўфайли фақатгина умримизнинг сўнгги кунининг овозини эшитамизми? Хайрот, унда аллақачон гишт қолипдан кўчган бўлади... Мана шу оппоқ тонг эртага биз учун яна отармикан?..

“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти”  
китобидан

Shayxontohur tuman davlat xizmatlari markazi tomonidan 22.11.2019-yilda royxatdan o'tgan "AL-ZAMAXSHARIY PRIVATE SCHOOL" nodavlat ta'lim muassasasi ta'sisчисining 01.07.2022-yildagi 1-sonli qaroriga asosan tugatiladi.

Jizx viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 30-iyundagi 119-um-sonli buyrug'iga asosan advokat Ubaydullayev Gayratxon Arxorovichga 2018-yil 28-dekabrda berilgan GZ 000046-sonli litsenziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi 2022-yil 30-iyun kunidan tiklandi.

Инсон  
ва ҚОНУН

МУАССИСА:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ

“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида

0081-рақам билан  
рўйхатга олинган



Бош  
муҳаррир  
Қўчқор  
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Икрамов Мурад Мубаракходжаевич  
Тожиёв Фурият Шомуродович  
Юлдашева Шоҳидхон Руфатовна  
Бахронов Шерзод Холмуродович  
Исқандаров Ербек Нурбекович  
Зргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмалар тақрир  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Маруся Ҳосилова

Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Business print” хусусий корхонаси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-уй

Тиражи — 3400  
Буюртма — 181

Тошпириш вақти — 18:00  
Тошпирилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишишган нархда  
1 2 3 4 5

Жиззах шаҳрига борсангиз, бу масканнинг кейинги йилларда янада чирой очганга гувоҳ бўласиз. Вилоятда бунёд этилаётган янги бино ва иншоотлар, таълим муассасаларининг мустақкам пойдевори "Grand Super Project" МЧЖ жамоасининг самарали меҳнати натижасидир.

Лойиҳачиларнинг ҳар бир янги гоёси вилоятнинг кўркіга кўрк қўшмоқда. Ҳар куни кўз ўнгимизда намоён бўлаётган бундай ривожланиш истиқболларида халқимиз фаровонлигини таъминлаш, аҳоли учун қулай шароитларни яратиш гоёси мужассам аслида. Замонавий архитектура талаблари асосида қурилаётган ижтимоий соҳа объеклари, турар жой бинолари, йўл ва

**ЮРТИМИЗДА қад ростлаётган янги бинолар кўзни қувнатади. Улар халқимизга узоқ йиллар хизмат қилиши учун дастлабки лойиҳа пухта бўлиши керак, албатта. Ана шундай масъулиятли ишни ҳамма ҳам амалга ошира олмайди. Қон томирларидек чизмаларда ҳаёт нафаси сезилади. Ҳар бир янги бино қурилишида лойиҳачи-архитекторларнинг самарали меҳнати мужассам.**

# ЛОЙИҲАЧИ

*Бинонинг биринчи рақамли ижодкоридир*



ва аҳоли пунктлари, ҳудудларни ривожлантириш, иқтисодиёт-

нинг тармоқ тузилмаси, атроф-муҳитни, маданий ва тарихий объектларни муҳофаза қилиш каби муҳим масалалар инobatга олинган.

Ҳудудларни шаҳарсозлик жиҳатидан риожаплантириш ва жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўйича аҳоли пунктларининг бош режаларига оммавий ҳужжат мақоми берилгани ҳам қурилишда бурилиш ясамоқда. Бундан ташқари, вилоятда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими доирасида "Геопортал" ахборот тизими ишга туширилган. Ушбу тизим ҳам соҳа ривожини йўлида янги

ёндашувдир. Барча вилоятлар қатори Жиззах вилоятида ҳам мазкур тизим ҳоқимликларнинг ахборот тизимига интеграция қилинди.

"Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширилаётган истиқболли режаларни лойиҳа ташкилоти жамоаси катта мақсадлар билан қарши олди. Президентимизнинг 2022 йил 18 мартдаги қарорига асосан, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари доирасида жорий йилда маҳаллаларнинг бош режа схемалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Маҳалла марказларининг замонавий архитектура қўёғасини яхшилаш ишлари амалга оширилмоқда. Жиззахда ҳам лойиҳалар билан ишлаш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Иш вақтида муаммо ва камчиликларнинг учраши табиий ҳол, албатта. Аммо уларни ўз вақтида, кечиктирмасдан бартараф этиш келгусидаги муаммоларнинг олдини олишга ёрдам беради. Ҳар бир янги режани амалга оширишда лойиҳачиларнинг масъулияти катта, албатта.

— Лойиҳачи бинонинг биринчи рақамли ижодкоридир — дейди "Grand Super Project" МЧЖ директори Исқандар Жўрабоев. — Кўп нарса унинг тажрибасига, билимига боғлиқ. Лойиҳачилар рўйхати шакллантирилганда, объект ҳудуди ва жойлашувига кўра муҳандислик тармоқлари мавжудлигига, уларнинг техник шартларига ҳамда лойиҳанинг самардорлик ечимларига тўлиқ аҳамият бериш керак. Буюртмачилар томонидан "Лойиҳа топшириқ" ишлаб чиқилганда аниқ иш турлари, лойиҳа ечимларига тўлиқ аҳамият бериш муаммоларнинг олдини олади.

Вилоятда амалга оширилаётган ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Жиззах вилоятининг 60 га яқин лойиҳа

ташкilotлари орасида мазкур жамият ўзининг нуфузли ўрнига эга. Изланувчан, тажрибали жамоанинг ҳам замонавий, ҳам миллий меъморчилик уйғунлигидаги сифатли лойиҳалари бошқа вилоятларда ҳам алоҳида кадр толган.

Жамоанинг тажрибали ходимлари чизган янги лойиҳалар асосида Жиззах шаҳрида ўндан ортиқ мактабгача таълим ташкilotлари, шаҳар марказидаги "Миллий банк"нинг Жиззах вилояти филиали, Олмазор ва Мустақиллик кўчаларидаги кўп қаватли турар жойлар, янгидан ташкил этилган "Жиззах Сайхан" КСЗ электр энергияси тармоқлари лойиҳалари, "Асакабанк"нинг Жиззах, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган ва Тошкент филиалларининг реконструкцияси бўйича лойиҳалар, смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

2021 йилда Зомин тумани ИИБ биносини капитал таъмирлаш, Тошкент вилоятида бир қатор капитал таъмирлаш лойиҳалари учун, шунингдек, вилоятнинг Ўртачирчиқ тумани ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимининг маъмурий биноси қурилиши учун лойиҳа ҳужжатлари ҳам ишлаб чиқилди.

Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида бунёд этилган ҳарбий шаҳарча ва унинг қўшимча бино-иншоотлари қурилиши учун тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам айнан шу жамоанинг меҳнати самарасидир. Жиззах шаҳридаги "Жиззахлик" маҳалласи, "Мустақиллик" кўчаларида замонавий кўп қаватли бинолар қад ростлади. Мазкур кўркам аҳоли турар жойлари ҳам

"Grand Super Project" МЧЖнинг лойиҳалари асосида қурилади. Биз жамоанинг 2022 йилдаги режалари билан ҳам танишидик.

— Айни кунларда янги истиқболли лойиҳалар устида ишлаяпмиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Зафаробод туманидаги "Чўлиғуристон" ҚФЙ ҳамда "Писталикент" МФЙда маҳалла биносини янгидан қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқдик. Ўзингизга маълум, маҳалла институти ривожини учун янги замонавий биноларга эҳтиёж юқори. Шаҳримизнинг "Истиклол", "Оққўрғонлик", "Сайлжойи", "Бог" кўчаларининг меъморий қиёғасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш учун бир қатор объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқдик. Автомобиль йўлларини, ички йўлларни таъмирлаш, реконструкция қилишга кейинги 5 йилда жиддий эътибор янада



кўприклар, кўнгилочар масканлар қурилишида энергия тежамкорлиги, иссиқ ва совуқ об-ҳаво шароитларида ҳам мўътадиллик масаласи алоҳида эътиборга олинган.

Лойиҳачилар томонидан аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда малакали ходимларнинг катта иш тажрибаси қўл келмоқда. Давлат ва жамоат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларни комплекс ва барқарор ривожлантириш, шаҳарсозликни мажмуавий ривожлантиришни стратегик режалаштиришда лойиҳаларни пухта тузиш муҳим ўрин тутади, албатта. Жамоанинг ҳар бир лойиҳасида эса, ерлардан фойдаланишни тартибга солиш



қучайтирилди. Давлат дастурларида ҳам йўллар инфратузилмасини замон талабларига жавоб берадиган даражага келтириш лозимлиги қатъий белгилаб қўйилган. Бу хайрли ташаббусга биз ҳам баҳоликудрат ўз улушимизни қўшаёпмиз.

Режадаги ишларимизни Зафаробод туманида давом эттиришни мақсад қилдик. Бундан ташқари, Жиззах шаҳридаги "Олмазор" МФЙ ҳудудида янги мактаб биносини қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқмоқдамиз.

Суҳбатдошимиз айтганидек, ҳозирда умумий ўрта таълим тизими учун илғор халқаро талабларга мувофиқ шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. "Grand Super Project"нинг турли йўналишлардаги лойиҳалари билан танишар эканмиз, жамоанинг ҳар ҳафтада фаол эканидан қувондик. Айниқса, лойиҳачиларнинг таълим, мактабгача таълим муассасалари учун янги режалар устида ишлаётгани ёш авлодга алоҳида меҳр намунаси бўлиб кўринди. Жамоада аҳиллик, замон талабларини ҳис қилиб, янги инновацион технологияларни чўқур ўрганиш, ўз ишига масъулият кўчилигига гувоҳ бўлди.

Лойиҳачилар билан хайрлашар эканмиз, кундан-кунга юксалиб, янада обод бўлиб бораётган юртимиз равнақини учун сидқидилдан, фидокорона, заҳматли меҳнат қилиб келаётган жамоанинг келгуси ишларига ривож тиладик.

Гуляжаҳон АШУРОВА  
тайёрлади

